

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ДУЧ КЕЛАДИГАН МУАММОЛАР

X. Б. Тиловатова

2-курс талабаси, Қарши давлат университети, Қарши

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хорижий тилда сўзлашувчи кишилар учун умумий бўлган муаммолар, сўзлашув жараёнида йўл қўйиладиган грамматик хатолар ва уларнинг таҳлили баён этилади.

Калит сўзлар: олд қўшимчалар, артикллар, фразэологик фэъллар ва идиомалар, мотивация, методика, аспект, хотира, талаффуз.

АННОТАЦИЯ

В этой статье описаны распространенные проблемы для носителей иностранного языка, грамматические ошибки, допускаемые во время разговора, и их анализ.

Ключевые слова: предлоги, артикли, фразовые глаголы и фразеологизмы, мотивация, методология, вид, память, произношение.

ABSTRACT

This article describes common problems for foreign language speakers, grammatical mistakes which are made during everyday conversations and their analysis.

Key words: prepositions, articles, phrasal verbs and idioms, motivation, methodology, aspect, memory, pronunciation.

Донишмандлик илмида олимлар ҳамиша бир муаммо устида бош қотириб келишган: инсон табиий фактор маҳсулими ёки ижтимоий фактор маҳсули? Адабиётда Маугли, Тарзан сингари бадиий образларнинг яратилиши ҳам ана шу баҳс ва мунозаранинг ижодий талқини аслида. Бола туғилишда табиий фактор маҳсули бўлиб дунёга келади, бироқ ҳақиқий инсон бўлиб ижтимоий муҳитда шаклланади. Улуг алломалар, хусусан Алишер Навий ҳам “Муҳокамат ул лугатайн” асарида “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин” деб бежизга марҳамат қилмаган. Башарти, ким қайси муҳитда улғайса, ўша жойнинг таъсири остида ўниб, ўсади. Шундай экан, инсоннинг камол тошида тил ҳам муҳим ва ижтимоий моҳият касб этади.

Бу борада битилган кўпдан-кўп, илмий асосланган маълумотлар устида тўхталмоқчи эмасман. Зотан, танланган мавзу тадқиқоти шуни тақозо этади. Биз кўйида чет тили, яъни инглиз тилини пухта эгаллаш жараёнида олдимизда кўндаланг бўладиган муаммолар, дуч келишимиз муқаррар бўлган чигалликлар ва уларнинг ечимлари устида тўхталамиз.

Инглиз тилини ўрганаётганда олдимизда кўндаланг туриб қоладиган муаммоларни ўргандим. Улар асосан қўйидагилардан иборат экан: 1) тилни ўзлаштиришда энг қийини олд қўшимчалар, артикллар, фразэологик фэъллар ва идиомалар бўлиб, улар бир қарашда ҳар қандай мантиққа зид келади ва улардан фойдаланишда жуда кўп чигалликлар мавжуд; 2) тилни ўрганишда мотивациянинг етарли эмаслиги; 3) тил ўрганаётган кишининг ўзида шунга нисбатан кучли иштиёқ бўлиши керак; 4) хорижий тилни ўзлаштириш бўйича мукаммал методиканинг йўқлиги; 5) ўзлаштирувчи кишининг атрофи шунга қулайлик ва имконият бергувчи муҳит билан қуршалмагани...

Энди ана шу аспектларга оид фикр-мулоҳазаларимни батафсил баён этишга киришаман. Аввало айтиш жоизки, ҳар қандай тил бошқа бир тил билан қиёсан ўрганилганда унумли бўлади. Афина ва Испания парламентларида амалиёт ўтаб қайтган депутатларимиз, ўша юртнинг парламентлерлари икки ёки ундан ортиқ хорижий тилларда bemalol сўзлашишларини таъкидлаган эдилар.

Бу амалиёт бизнинг тарихимизда бўлган. Боболаримиз камидан учта тилда bemalol сўзлашганлар. Юрт равнақи, давлатнинг қудрати, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳияти ҳам, қайсиdir маънода шу нарса билан белгиланади. Янгиланган Ўзбекистон шароитида яна шу муаммо кун тартибидан жой олгани бежизга эмас. Зотан, давлатмиз раҳбари 2021 йилнинг 6 май куни “чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида: “Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юрти битирувчилари камидан 2 та чет тилини мукаммал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”, – дея таъкидлаган эдилар.

Хусусан, муайян бир хорижий тилда сўзлашувчи кишилар учун умумий бўлган бир муаммо олд ва орт қўшимчалар, феълларнинг турлари сингари унсурларни қўллашдаги қийинчилик бўлиб ҳисобланади. Ҳаттоқи, рус тилида муайян бир тажрибага эга бўлган кишилар ҳам (окончание) аффикс, перефикс ва суффиксларни қўллаш амалиётида оқсаб қолганларига кўп бор дуч келганман. Бинобарин, рус тилида ҳам, ўзбек тили грамматикасида ҳам ҳозирги, келгуси ва ўтган замон феъли мавжуд. Инглиз тилида пассив овоз билан биргалиқда 26 вақт гурухи мавжуд. Мабодо уни оддий баён тарзида ўргатиш амалиёти қўлланса, у

керакли натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун тилни тилга чоғишириб ўрганиш тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аслида, инглиз тилида рус тилига қараганда камроқ чалкашлик бор экан. Агар ана шу тафоввут тўла англанса, нутқда ҳам, жумлалар қуришда ҳам ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Тил ўрганишда ҳам асосий омиллардан бири – кишида мотивация масаласи. Бир кичик мисол устида тўхталмоқчиман. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жуда кўп юртдошларимиз тирикчилик ғамида Россия давлатига кета бошлиди. Одамлар орасида, уларга муносабат масаласида ягона бир тўхтам йўқ. “Россияга бориш шарт эмас, киши ризқини шу ерда ҳам топиши мумкин” дейишади. Лекин, шу ўринда “Йигитнинг ризқи қаерда сочилган бўлса, ўша ердан теради” деган гап борлигини унугиб қўямиз. Шундан ёшларимизга, “Болам, тақдирнинг тақозоси билан ўруsnинг мамлакатига бориб ишлашингга тўғри келар, ҳар эҳтимолга қарши тилини пухта ўрганиб қўй” дейилмайди. Ваҳоланки, ана шундай мативация берилганида жуда кўп кишиларимиз рус тилини ўзлаштирган бўлишарди.

Худди шу фикрни инглиз тилини ўзлаштираётганларга ҳам тадбиқ қилишимиз мумкин. Хўш, бугун ўзини қийнаб, жонини ҳалак қилиб ўрганаётган бу тил, охир-оқибат унга нима беради? Агар, дунёда кенг тарқалган ҳалқаро мумомала тили экани ҳақидаги алмисоқдан қолган таърифни такрорласак – бефойда. Бу тил орқали уни ўзлаштираётган кишининг олдида қанақа имкониятлар эшиги очилиши мумкинлигини рўй-рост кўрсата билиш лозим. Мисоллар билан уни ишонтириш даркор. Ўшанда унинг иштиёқи ошади.

Кишида кучли иштиёқ пайдо қилиш учун аввало унда ҳавас уйғота билиш керак. Ҳаваси алангаласа иштиёқи кучайиб боради. Биз кунда-кунора марказий телеканалларда, интернет сайtlари орқали қайсиdir бир чет эллик билан бўлган интервьюга қўзимиз тушиб қолади. Таржима субтитр тарзида ёки матн ортидан ўқиб эшиттирилади. Нега, деган савол туғилади. Шу ўринда таржимоннинг иштироки таъминланса бўлмасми? Унинг ҳар икки тилда равон сўзлаши, таржима маҳорати қанча-қанча ёшларда ҳавас уйғотган бўларди. Бу эса унда хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини пухта ўрганиш иштиёқини ҳосил қилиши муқаррар эканини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳар бир фан ўзининг ўқитиши методикасига эга. Бусиз бир натижага эришиш қийин. Ўзимизнинг ўзбек адабиёти тарихи ва умуман адабиёт фанини ўрганишда ҳам шунга оид камчилик бор. Фанлар бизни шоирнинг шеърияти қолиб шахсияти ҳақида кўп нарса ўқишига ундейди. Агар бизни, умуман кимнинг қаламиа мансуб бўлишидан қатъий назар ғазалларни ифодали ўқиш

методикасини, ундан нималарни уқиши, фикрни ифода этиши услубларини чукур ўрганганимизда эди – тамоман бошқача бир натижага эришардик.

Хорижий тилни ўрганишда ҳам энг ишончли, бир неча лойихалар орасидан танланган методикага таянган маъқул. Токи унда хотира, талаффуз, ҳар бир сўзнинг маъно ва моҳиятини теран англаш ва шунга ўхшашибаш машқлар ўз ўрнига эга; такрорлашнинг сермаҳсул вақти белгиланган бўлса.

Методика ҳақида сўз кетганида, ҳамиша бир физик ҳодиса кўз олдимда гавдаланади. Электр токига берилган таъриф ёдимга тушади. Адашмасам, зарядланган заррачаларнинг тартибли равишда бир томонга ҳаракати электр токини ҳосил қиласди, дейиларди. Умуман олганда шундай, аммо зарядланган заррачаларни ҳосил қилишда иштирок этадиган компонентлар борлигини эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим. Унинг бир томонга йўналитирилган тартибли оқимини таъминлашда ҳам қўшимча компонентлар иштирок этади ва уларнинг ҳар бири ўз таъриф ва таснифига эга бўлиши лозим.

Бу фикрни тил ўрганиш методикаси масаласига тадбиқ этадиган бўлсак, бу борада юқорида бир қатор муҳим омилларни қайд этиб ўтдик. Мативация, ҳавас ва иштиёқ, иродани тоблаш, тўғри талаффуз этиши ва хотирани мустаҳкамлаш машқлари ана шу қўшимча компонентларни ташкил этади. Худдики, бир томонга тартибли ҳаракати таъминланган зарядланган заррачалар, охир-оибат чироқни ёқишини назарда тутсак, тил ўрганиш жараёнида у муайян бир тилни пухта ва пишиқ эгаллаш кўникмасини ҳосил қиласди.

Шу ўринда яна бир масалада фикрлашсак. Тил ўрганишда муҳитнинг мувофиқлиги устида бош қотирсак. Агар, бир киши бошқа бир мамлакат одамлари орасида яшаса ва она тилида гаплашадиган бошқа бир ҳамроҳи бўлмаса, вазият уни ўша тилни ўрганишга мажбур қиласди. Демакки, ҳар қандай билимни, жумладан бирор-бир тилни ўзлаштираётгандаги киши ўзи учун худди шу атмосферани яратиши лозим бўлади. Агар, киши маърифатли, тасоввув тарихидан боҳабар бўлса, Баҳоуддин Нақшбандий тариқатининг муҳим бир сулуки “Хилват дар анжуман” деб номланишини ва киши унга эргашиш орқали ўзини ҳар қандай вазиятда идора қилиши лозимлигини билади. Мана шу сулукнинг талаби фоят ибратли бир ривоятда ифодаланган.

Шундай экан, тил ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган киши, қатъиятлилик билан унга бор куч ва ғайратини сафарбар қиласа, теварак-атрофини куршаб турган муҳит шунга хизмат қиласа дуруст бўлади. Бунинг учун аввало унинг ўзи, атрофида ана шу муҳитни ҳис этиши керак. Устозлар эса, биринчи навбада, тил ўрганган киши ҳам моддий-ҳам маънавий рўшноликка эришиши ҳақидаги кучли мативацияни унга сингдириши лозим.

Хозирги даврда тил кўникмасидан омилкорлик билан фойдаланиш имкониятлари кенг. Оддийгина бир мисол, бундан ўн йиллар муқаддам Самарқандда хорижий сайёхлар учун фаолият олиб борган меҳмонхоналар сони бармоқ билан санаарли бўлса, бугунда уларнинг сони ва саноғига етиб бўлмайди. Республикаизда туризм соҳаси ниҳоятда қулоч ёйиб бормоқда. Бу эса кўпдан-кўп хорижий тилларни ўзлаштирган таржимон мутахассисларга эҳтиёжни пайдо қиласди. Гап фақат ана шу, бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган талаб ва таклиф жараёнини тўғри англаш ва унга муносиб тарзда тайёрланишдадир. Зотан, хитойлик файласуф Конфуций айтганидек: “Ўқиган билади, билган амал қиласди”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Алишер Навоий. “Ақадемнашр”, Т.- 2017, 211 б.
2. <https://angliyskiyazik.ru/wp-content/uploads/2017/09/problemy-v-obuchenii-angliyskomu-yazyku.jpg>
3. Ш. Мирзиёев. Четтилларини ўқитишлизиминитакомиллаштиришчоратадбирлариюзасидан видеоселекторийигилиши. 2021 й., 6 май.
4. Проблемы при изучении английского языка // Молодой ученый. — 2022. — № 25 (420). — С. 295-298. — URL: <https://moluch.ru/archive/420/93381/> (дата обращения: 17.11.2022).
5. https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektr_toki#:~:text=Elektr%20toki,yo%E2%80%99nalishi%20qabul%20qilingan.
6. М. ИСМОИЛОВ, П. ҲАБИБУЛЛАЕВ, М. ХАЛИУЛИН. ФИЗИКА КУРСИ МЕХАНИКА, ЭЛЕКТР, ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ. «ЎЗБЕКИСТОН», Т.- 2022, 192 б.
7. Элёр Каримов. НАҚШБАНДИЙЛИК ТАРИҚАТИ.
<https://www.uzanalytics.com/tarix/10360/>